

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги**  
**ҳамда**  
**Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси**  
**ўртасида “Tech-Up! – биринчи ўқув қўлланмалар**  
**танлови” мусобақасини ташкил этиш тўғрисида**  
**АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар,

Ўзбекистон меҳнат бозори талабларига мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида,

Касб-хунар таълими ўқитувчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида биргаликда амалий тадбирлар ташкил этиш ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада янги босқичга олиб чиқишини инobatга олган ҳолда,

Қуйидагилар тўғрисида келишувга эришдилар:

### 1-модда

Томонлар касб-хунарга ўқитиш марказларининг салоҳиятини ошириш, Ўзбекистон меҳнат бозори талабларига мувофиқ мутахассисларни тайёрлаш, касб-хунарга ўқитиш марказлари ўқитувчиларининг устувор таълим услубларини излаш ва ўқув материалларини яратишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида биргаликда “Tech-Up! – биринчи ўқув қўлланмалар танлови” мусобақасини ташкил этадилар.

### 2-модда

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

1. “Tech-Up! – биринчи ўқув қўлланмалар танлови” мусобақасида муваффақиятли деб топилган ўқув қўлланмаларни тарқатиш, бунда 40 та касбий-таълим ўқув марказларига етказиб берилишини назоратга олади, шунингдек, амалга оширилган ишлар юзасидан Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА) билан маълумот алмашинувини таъминлайди;

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги касб-хунарга ўқитиш марказларининг таълим сифатини ва салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар йили мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб боради;

3. КОІСА билан танлов масалалари бўйича ҳамкорлик қилади.

4. Келгуси танловларда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги 40 та ўқув марказлари ўқитувчиларининг иштирокини таъминлаш мажбуриятини олади;

5. Танлов ғолибларини муносиб тақдирлашни ташкил этади.

### 3-модда

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси:

1. “Tech-Up! – биринчи ўқув қўлланмалар танлови” мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган харажатларни қоплайди;

2. КОІСА томонидан юборилган қўнгиллилар томонидан “Tech-Up!” танлови иштирокчиларига керакли маслаҳатлар берилишини таъминлайди.

3. Ўқитувчилар иштирокидаги танлов ташкил этиш орқали касб-хунарга ўқитиш марказларининг таълим ва тарбия бериш сифатини такомиллаштириш ғоясини илгари суриб, Ўзбекистон меҳнат бозори талабларига мувофиқ кадрларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшади.

4. Тошкент касб-хунарга ўқитиш марказида ташкил этиши режалаштирилган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш маркази қошида касб-хунарга ўқитиш соҳасидаги ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган марказ фаолиятини ташкил этади.

#### 4-модда

Ушбу Меморандум имзоланаган кундан кучга киради.

\_\_\_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ шаҳрида ҳар бири ўзбек ва корейс тилларида икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Меморандум қоидаларини талқин қилишда тушунмовчиликлар келиб чиқса, Томонлар ўзбек тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва  
меҳнат муносабатларни учун



  
Б.Х. Умурзоков

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва  
меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги  
(KOICA)нинг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси учун



Сон Сонг Иль 1991

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги  
(KOICA) Ўзбекистондаги ваколатхонаси  
директори